



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Тошкент архитектура**  
**қурилиш институти**  
**ректори**

**Р.Р.Ҳакимов**

**“ 11 ” 12 2017 й.**

## **“Номдор стипендиялар олиш бўйича танловга ариза бериш” интерактив хизматининг регламенти**

### **1. Хизмат таърифи.**

#### **1.1. Хизмат номланиши.**

Қисқа номи: “Номдор стипендиялар олиш бўйича танловга ариза бериш”

Кенгайтирилган номи: Тошкент архитектура қурилиш институти (кейинги ўринларда - ТАҚИ) расмий веб-сайти орқали “Номдор стипендиялар олиш бўйича танловга ариза бериш” интерактив хизмати.

#### **1.2. Хизмат натижаси.**

ТАҚИ иқтидорли талабаларидан “Номдор стипендиялар олиш бўйича танлов”га аризаларни электрон қабул қилиш.

#### **1.3. Хизмат кўрсатувчи.**

Хизмат ТАҚИ томонидан кўрсатилади.

#### **1.4. Ҳуқуқий асослар.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги 226-сонли қарори.

#### **1.5. Хизматдан фойдаланувчилар.**

Хизматдан ТАҚИ иқтидорли талабалари фойдаланишлари мумкин.

Стипендияларни тайинлаш учун қуйидаги меъзонларни бажариш белгиланади:

- аъло ўқиш ва илмий (ижодий) ишларда иштирок этиш;
- тилларни – давлат тилини ва битта хорижий (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари давлат тилларидан ташқари) тилини билиш, бакалавриятдаги таълим йўналиши хорижий тил ҳисобланган алоҳида ҳолларда қўшимча равишда яна битта хорижий тилни билиш;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар учун эса ўқиш олиб бориладиган тилни қўшимча равишда билиш талаб қилинади.

#### **1.6. Ариза бериш муддатлари.**

Белгиланган муддатларда (Муддат кўрсатилсин).

#### **1.7. Бажариш муддатлари.**

5 иш куни.

## **2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш.**

### 2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми.

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- ариза бланкасини тўлдириш тартиби ҳақида маълумот;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

### 2.2. Батафсил маълумот олиш.

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали.

### 2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш.

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 13-уй

## **3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.**

### 3.1. Иш вақтлари.

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: ҳафтанинг душанба – шанба кунлари соат 9<sup>00</sup> дан 18<sup>00</sup> гача).

### 3.2. Кутиш шартлари.

5 иш куни.

## **4. Хизмат кўрсатиш тартиби.**

### 4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар.

Талабалар дастлабки кўриб чиқиш учун электрон аризада қуйидагиларни тақдим қиладилар:

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);
  - деканат, кафедранинг тавсияномаси;
  - илмий (ижодий) иш раҳбарининг фикр-мулоҳазаси;
  - тиллар кафедрасининг суҳбат натижалари ҳақида маълумотномаси.
- (кўшимча ҳужжатлар талаб этилса кўрсатилсин)

### 4.2. Хизмат тўлови.

Бепул.

### 4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари.

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
  - “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Номдор стипендиялар олиш бўйича танловга ариза бериш” хизмати танланади;
  - аризачининг таълим йўналиши, курси ҳақидаги маълумотлари танланади (киритилади);
- Аризачи томонидан ТАҚИнинг “Талабалар ўзлаштириши ҳақида маълумот олиш” тизимидан фанлар бўйича ўзлаштирилган баҳолар белгиланади ва талаб этилган ҳужжатларнинг электрон нусхаси илова қилинади;



Оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланади, “Электрон рақамли имзо билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.  
(қўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин).

#### 4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни.

Талабаларнинг рейтинг маълумотларини олишда ТАҚИнинг “Талабалар ўзлаштириши ҳақида маълумот олиш” тизими маълумотлар базасидан фойдаланилади ва ТАҚИ ишчи гуруҳи мурожаатларни кўриб чиқади.

Агар мурожаат этувчи томонидан сўралган маълумотлар базадан топилмаса, масъул ходим (масъул ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими, телефон рақами) томонидан аризачининг электрон почта манзилига бу ҳақида маълумот жўнатилади. Масъул ходим қайта таҳлил қилгандан кейин, 3 иш куни ичида талабанинг рейтинг баҳолари ҳақидаги маълумотларни деканатдан олади ва тизимга киритади ҳамда талабага аризалар қабул қилинганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этади.

Аризага рад жавоби берилса, унинг асослари аризачига юборилади.

Талаба “Номдор стипендиялар олиш бўйича танлов”га жўнатилган электрон ариза қабул қилинганлиги ҳақида хабарни олгандан кейин, илова қилинган ҳужжатларининг асл нусхасини 1 (бир) иш куни ичида ТАҚИга тақдим қилиши шарт.

(қўшимчалар бўлса кўрсатилсин).


#### 4.5. Рад этиш сабаблари.

Маълумотлар нотўғри киритилганлиги.

**“КИРИТИЛДИ”**  
Тошкент архитектура  
қурилиш институти  
Илмий бўлим  
бошлиғи

  
Д.Мирбабаева  
“ 11 ” 12 2017 й.

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
Тошкент архитектура  
қурилиш институти  
Ахборот технологиялари  
маркази бошлиғи

  
Э.Умматов  
“ 11 ” 12 2017 й.